

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

## 2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2022 йил 12 март, № 53 (8115) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИ ВА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ — МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 11 март куни саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришни янада кенгайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 24 январдаги қарори билан 2022 йилга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва саноат кооперациясини кенгайтириш дастури қабул қилинган эди. Унга мувофиқ, 2 минг 455 та лойиҳа доирасида қарийб 37 триллион сўмлик янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Йиғилиш аввалида ушбу лойиҳалар ижроси танқидий таҳлил қилинди. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти, "Иссиқлик электр станциялари" акциядорлик жамиятида бу борада сусткашликка йўл қўйилгани кўрсатиб ўтилди. "Электрон кооперация" портали орқали тузилган шартномалар айрим ҳудудларда бажарилмаган. Электрон савдоларда Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Сурхондарё ва Хоразмдаги корхоналар улуши 1 фоизга ҳам бормайди. Кооперация етишмаслиги сабабли юртимизда ишлаб чиқариш мумкин бўлган айрим товарлар импорти ошган.

**— Бугунги ўзгарувчан шароитда иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашнинг энг самарали йўли бу — ички имкониятларни ишга солиш, импорт бўлаётган айрим маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш ва саноатни янада ривожлантириш. Бу миллий иқтисодиётимизнинг устувор йўналиши бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Йиғилишда шу борадаги муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Йирик корхоналар билан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперацияни маҳсулотлар кесимида йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Мисол учун, Навоий кон-металлургия комбинати хориждан олаётган маҳсулотлар ва уларга техник талаблар ҳақидаги маълумотларни "кооперация портали"га жойлаштиргандан сўнг илгари импорт қилинган 600 миллиард сўмлик маҳсулотларни ҳозир 18 та маҳаллий корхона етказиб бермоқда.

Президент бу тажрибани барча тармоқ ва ҳудудларда йўлга қўйиш, импорт қилинаётган маҳсулотларни ўзлаштиришга тадбиркорларни жалб этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу мақсадда саноат ярмаркалари ўтказиш тартиби ҳам ўзгартирилади. У ерда тайёр маҳсулотга харидор топиш билан бирга, ўзлаштиришга тавсия қилинаётган товарлар бўйича бизнес-режалар ҳам ишлаб чиқилади. Лойиҳага қизиққан тадбиркорлар шу ернинг ўзида буюртмачи билан харид шартномаларини, банклар билан молиялаштириш масаласини келишиб олади.

Бунинг учун "Ўзэкспомарказ"да доимий ишлайдиган саноат кўргазмаси, вилоят марказлари ва саноат зоналарида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг "шоу-рум"лари ташкил этилади.

Шу билан бирга, янги лойиҳаларнинг маркетинг тадқиқотлари, маҳсулотни хорижда сертификатлаш харажатларининг бир қисми қоплаб берилиши айтилди.

Йиғилишда жаҳон бозорида рўй бераётган ўзгаришлар атрофлича таҳлил қилинди.

Хом ашё олиб келиб, божхона ҳудудида қайта ишлаб, экспорт қиладиган корхоналарга апрелдан бошлаб қатор имтиёз ва енгилликлар берилиши белгиланди. Жумладан, уларнинг лойиҳалари учун техник-иқтисодий асос, маҳсулот сертификати, божхона тўловлари таъминоти талаб этилмайди, уларга рухсатнома бериш муддати 3 баробар қисқаради, олиб келинган дастгоҳлар учун божхона божлари ундирилмайди.

Янги бозорларга кириш учун саноатга халқаро стандартларни кенг жорий қилиш ҳам зарур. Мисол учун 2019 — 2021 йилларда тўқимачилик йўналишидаги 2 мингта корхона халқаро сертификат олгани ҳисобига уларнинг экспорти 1,5 баробарга ошган.

Қолаверса, яқинда "Cotton Campaign" халқаро коалицияси Ўзбекистон пахтасига бойкотни бекор қилди. Бу ҳам катта имконият, янги бозорлар, деганидир.

"Ўзстандарт" агентлигига халқаро сертификатга эга корхоналарни бошқа тармоқларда ҳам кўпайтириш, ҳудудлардаги "Лойиҳа офислари" ҳузурида Халқаро стандартларни ўргатиш марказларини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Юртимизда хом ашёси бўлган яна бир саноат тармоғи бу — қурилиш материаллари. Бу борадаги геология захирасини кенгайтиришга 100 миллиард сўм ажратилган. Жорий йилда 1 миллиард 800 миллион долларлик 420 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Мутасаддиларга ушбу лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш, қурилиш материаллари экспорти ҳажмини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Фармацевтика тармоғида мавжуд қувватларни тўлиқ сафарбар этиш ва импорт ўрнини тўлдириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Маълумки, саноат корхоналари илм ва инновациядан ажраб қолса, янги рақобат шароитига мослашиши қийин бўлади. Шунинг учун Инновацион ривожланиш вазирлигига ҳудудлардаги корхоналарни замон талабига уйғунлаштириш, маҳсулот сифатини оширишга кўмаклашиш бўйича вазифалар юклатилди.

Йиғилишда саноат тармоқлари ва йирик корхоналар раҳбарлари, ҳокимлар сўзга чиқди.

**ЎзА.**

## Нуқтаи назар

# ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛАДИ

*Сўнгги йилларда юртимизда терроризмга қарши курашишга жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бугунга келиб жаҳон ҳамжамиятининг глобал муаммоларидан бирига айланиб улгурган терроризм боис янгидан-янги таҳдидлар юзага келмоқда. Хусусан, инсониятнинг камолотига хизмат қилиши керак бўлган инновацион ихтиролар, IT-технология, жаҳон интернет тармоқларининг имкониятлари терроризм қуролига айлангач, одамларни қўрқитиш, гаровга олиш, ўлдириш, ривожланаётган жамиятда тартибсизлик келтириб чиқариш ва бошқа таҳдидлар пайдо бўлаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.*

Ўзбекистоннинг бу борадаги позицияси аниқ. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида буни аниқ-тиниқ баён қилиб берган эди. Унда барча давлатларни хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидаги умумий хатарларга қарши янгича ёндашувлар асосида ва яқин ҳамкорликда ишлашга чақириқ мавжуд. БМТнинг мувофиқлаштирувчи халқаро тузилма сифатидаги ўрнини янада кучайтириш лозимлиги ҳам таъкидланганди.

Маълумки, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йил 8 сентябрда маъқулланган БМТ Глобал аксилтеррор стратегияси резолюция ва чора-тадбирлар режаси шаклида тасдиқланди. У миллий, минтақавий ва халқаро саъй-ҳаракатларни янада яхшилаш, терроризмга қарши курашнинг муҳим стратегик ва амалий асосини белгилаб берувчи муҳим ҳужжат бўлди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси сифатида БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Халқаро терроризмга қарши 14 та битим ҳамда минтақавий келишув иштирокчиси эканлиги ҳам шундан далолатдир.

Яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги" мавзуидаги халқаро конференция ҳам Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил этилганини айтиш зарур.

➡ 2

## Қонун лойиҳаси — муҳокамада

# СТАНДАРТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ЖОРИЙ ЭТИШДА ДАВЛАТ АРАЛАШУВИ КАМАЙТИРИЛАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси "Стандартлаштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.*

Парламент қуйи палатаси депутатлари, тегишли соҳа вакиллари, вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, эксперт ва олимлар иштирок этган йиғилишда қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, амалдаги қонунга асосан стандартларни ишлаб чиқишда манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлиб, стандартларни қабул қилишда бетарафлик ва холислик таъминланишининг қонуний асослари яратилмаган.

Соҳадаги манфаатдор идораларнинг вазифалари ва ваколатлари тўлиқ очиб берилмагани ҳамда стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарнинг ваколатлари қонунчилик билан тартибга солинмагани сабабли стандартларни қабул қилишда консенсусга эришиш имкони мавжуд эмас.

Ушбу ҳужжатда стандартлаштириш соҳасида манфаатдор томонларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаштириш, жаҳон бозорида товар айирбошлашдаги техник тўсиқларни бартараф этиш, илмий-техник тараққиёт жараёнига кўмаклашиш ва стандартлаштириш соҳаларида ҳамкорлик қилиш, стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда давлат аралашувини камайтириш назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида стандартларни ишлаб чиқиш, халқаро стандартларни амалга киритиш соҳасида техник қўмиталар фаолияти тубдан такомиллаштирилади, саноатга инновацион технологияларни жадал киритиш ва маҳсулот ҳамда хизматлар сифати ошишига эришилади.

Муҳокамалар давомида иштирокчилар томонидан қонун лойиҳаси юзасидан кўплаб саволлар кўтарилди ва мутасаддилардан атрофлича жавоблар олинди.

Қўмитада қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# ЮКСАК ЭЪТИБОР ЗИММАМИЗГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

*Дунё яралганидан буён аёл ҳаёт шамчироғи ва жамият гултожи бўлиб келган. Аёлини асраган эл қудратли, онасини эъзозлаган фарзанднинг толеи баланд бўлади. Бугун ҳам юртимиз аёллари давлатимиз ва жамиятимиз ардоғида, эътиборида. Уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга тиббий ва психологик ёрдам қамровини янада кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.*

## Муносабат

Ҳозирги кунда мамлакатимизда меҳнат билан банд аҳолининг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Улар давлат бошқарувида, парламентда, сиёсий партияларнинг "аёллар қаноти"да, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида, фермер хўжаликларида, кичик ва ўрта бизнесда меҳнат фаолиятини олиб бормоқда, олий ўқув юртларида таҳсил олиб, илм-фан билан шуғулланмоқда.

Уларга ўз иқтидорини тўла намоён этишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Хусусан, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган иқтидорли қизлар адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият, спорт йўналишларидаги, жамоат ишларидаги ютуқлари, ибратли фаолияти учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти, кўплаб опа-сингилларимиз "Мўътабар аёл", "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонлари билан тақдирланмоқда.

Президентимизнинг "8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига кўра, кўплаб аёлларимиз қатори мен ҳам "Содиқ хизматлари учун" медали билан тақдирландим. Очиғи, бундай юксак эътиборни кутмаган эдим.

Байрам тадбирида иштирок этиб, шахсан давлатимиз раҳбарининг қўлидан мукофотни қабул қилиб оларканман, шу эътирофга муносиб бўлишга, шижоат билан ишлашга аҳд қилдим.

Меҳнат фаолиятим давомида катта тажрибага эга бўлдим. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида аҳоли муаммоларини ҳал қилиш, уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича ташаббусларни амалга оширишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келяпман.

Президентимизнинг тантанали маросимдаги нутқида мамлакатимизда аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ёндашувлар тубдан қайта кўриб чиқилиши алоҳида тилга олинди.

Жорий йилда ипотека кредитлари бўйича бериладиган субсидияларнинг 40 фоизи хотин-қизлар учун ажратилиши айтилдики, бу муҳтож аёлларни 12 мингта қулай уй-жой билан таъминлаш имкониятини бериши, шубҳасиз.

➡ 2

## Таҳлил

# МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИНИ ОШИРИШ ИШЛАРИ ЎРГАНИЛАДИ

*Маълумки, Олий Мажлис Сенати қўмиталари томонидан ўз йўналишига тегишли масалаларни жойларга чиққан ҳолда ўрганиш яхши йўлга қўйилган. Хусусан, парламент юқори палатаси Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2022 йилга мўлжалланган иш режасида маданият вазирининг "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан ахбороти"ни эшитиш белгиланган бўлиб, айни чоғда сенаторлар Хоразм вилоятида ушбу масалани ўрганмоқда.*

Аниқ айтадиган бўлсак, бўлажак эшитув олдидан қўмита раиси Бахтиёр Сайфуллаев бошчилигида сенаторлар, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда Ёшлар парламенти аъзоларидан иборат ишчи гуруҳ мазкур вилоятда вазирликнинг шу йўналишда амалга оширган ишларини таҳлил қилиб чиқмоқда.

➡ 2

# АҲОЛИ МУАММОЛАРИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ҲАЛ ЭТИЛЯПТИ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Халқ таълими вазирлигининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилган масалалар қай даражада ҳал этилаётганлиги тўғрисида"ги ахбороти тингланди.*

## Эшитув

Таъкидланганидек, барча вазирлик ва идоралар қатори Халқ таълими вазирлиги ҳам аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишга алоҳида эътибор қаратди. Натижада жойларда вужудга келаётган муаммоли вазиятлар ҳал бўлди, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ўз вақтида кўриб чиқилиб, кўп йиллик масалаларга ечим топилди.

➡ 2

# САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

**2022-2023 йиллар учун 37 триллион сўмлик янги маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 2,5 мингта лойиҳани ишга тушириш юзасидан қабул қилинган дастур асосида қуйидаги йўналишларда ишлар ташкил этилади:**

- *саноат тармоқлари, йирик корхоналар билан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида маҳсулотбай кооперация йўлга қўйилади;*
- *2022 йил учун кооперация шартномалари тузиш режаси 15 трлн. сўмга етказилади.*

Шунинг учун жорий йилнинг 1 июлига қадар жами 283 турдаги импорт қилинаётган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича тайёр бизнес-режалар тадбиркорларга таклиф этилади. Саноат ярмаркалари фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилади.



**Бунда:**

- **тайёр маҳсулотларга харидор топиш билан бирга, ўзлаштиришга тавсия этилаётган маҳсулотлар бўйича ҳам бизнес-режалар қилинади;**
- **лойиҳага қизиқиш билдирган тадбиркорлар шу ернинг ўзида банклар билан молиялаштириш шартларини келишиб олади;**
- **буюртмачилар лойиҳа ташаббускорлари билан 3 йил муддатгача кафолатли харид шартномаларини тузади;**
- **"Экспомарказ"нинг 1 та павильонида доимий ишлайдиган саноат ярмаркаси ташкил этилади;**
- **вилоят марказларида, шунингдек, саноат зоналарида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг "шоу-рум"лари ишга туширилади.**



**Шу билан бирга, 2022 йил 1 апрелдан:**

- янги лойиҳаларнинг маркетинг тадқиқотлари, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, хорижий мутахассисларни жалб қилиш харажатларининг ярми қоплаб берилади;
- маҳаллий корхоналарнинг маҳсулотларини хорижда сертификатлаш харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилади.

**Ушбу ишларни молиялаштириш учун Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 10 млн. доллар йўналтирилади.**

# ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛАДИ



1 Бу тадбир минтақа давлатлари ва жаҳон ҳамжамиятининг терроризмга қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этди. Зеро, унда терроризм тарқалишига ёрдам берувчи шарт-шароитларни бартараф қилишга минтақавий ва глобал миқёсда ёндашиш ҳамда бу борадаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Мазкур мулоқот Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш режасини халқаро майдонда татбиқ қилиш бўйича амалий тажриба алмашиш, терроризмга қарши курашда умумий тамойиллар ва ёндашувларга доир минтақавий консенсусни мустаҳкамлаш, кўп томонлама ҳамкорликнинг таъсирчан механизмларини яратиш имконини беради. Бу эса терроризмга қарши курашишда минтақа давлатлари ўзининг миллий тизимларини янада ривожлантириши ва мустаҳкамлашида қўл келади.

Халқаро анжуманнинг муҳим воқеаларидан бири, шубҳасиз, Тошкент декларацияси ҳамда Қўшма ҳаракатлар стратегиясининг янги таҳрири тасдиқланиши бўлди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон халқаро майдонда илгари сураётган ташаббуслар дунё ҳамжамияти томонидан изчиллик билан қўллаб-қувватланаётганлигини ҳам англатади.

Тошкент декларацияси Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюциясига ҳамоҳанг тарзда халқаро тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид солаётган, барқарор тараққиёт ва инсоннинг универсал ҳуқуқларини яхшилашга тўсиқ бўлаётган терроризм ва унинг ҳар қандай кўринишларини қоралайди. Терроризмни муайян бир дин, миллат, этник гуруҳлар билан боғлаш мумкин эмаслигини, миллатлараро, дин ва маданиятлараро бағрикенгликни тарғиб қилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қатор муҳим таклифлар илгари сурилдики, уларнинг барчаси долзарб аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради.

**Улар қуйидагилардан иборат:**

- Қўшма ҳаракатлар режаси ижросини доимий мониторинг қилиш ва танқидий баҳолаш, Марказий Осиё мамлакатларининг ҳамжиҳатликдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш механизмларини кучайтириш зарурати туфайли минтақада БМТ Аксилтеррор бошқармасининг офисини очиш;
- Марказий Осиёда кибертерроризм бўйича Ягона электрон тизимни яратиш;
- БМТнинг Аксилтеррор бошқармаси шафелигида Марказий Осиё мамлакатларининг етакчи мутахассислари иштирокида Минтақавий эксперт кенгашни таъсис этиш;
- 2023 йилда Самарқанд шаҳрида, доимий фаолият юритадиган Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари Ёшлари кенгашини чақириш;
- БМТ шафелигида юқори даражадаги "Маърифат ва диний бағрикенглик" конференциясини ўтказиш.

Бу таклифлар мураккаб шароитларда тобора ортиб бораётган глобал ва минтақавий хавфсизликка таҳдидга қарши туриш борасида дунё ҳамжамияти саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш йўлидаги минтақавий ва глобал миқёсдаги интилишларни самарали мувофиқлаштириб боришда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни ҳам айтиш жоизки, БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясининг тавсиялари ва халқаро ҳужжатларга асосланган ҳолда "2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси қабул қилинган. Бундан ташқари, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги олтинчи устувор йўналишда ҳам шу масала билан боғлиқ вазифалар белгилангани бежиз эмас. Мазкур йўналиш "Экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш" сифатида ифодаланган бўлиб, у БМТ Глобал аксилтеррор стратегияси ва унинг доирасидаги дастур ва тадбирларга мувофиқлиги билан диққатга сазовор.

Умуман, пойтахтимизда бўлиб ўтган халқаро конференция терроризмга қарши курашиш борасидаги барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш йўлида муҳим қадамдир. Қабул қилинган Тошкент декларацияси эса шу йўлда дастуриламал вазифасини ўтайди.

**Наримон УМАРОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.**

# ЮКСАК ЭЪТИБОР ЗИММАМИЗГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ



1 Давлатимиз раҳбарининг "Барча ҳудудларимизда жамоатчиликка, аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган, обрў-эътиборли аёлларни ўз сафида бирлаштирган "Оқила аёллар" ҳаракатини сизлар билан бирга ташкил этсак, бу эзгу ҳаракат том маънода жамиятимиз овозига, маҳалла виждонига айланади, деб ўйлайман", деган сўзлари бизни ниҳоятда тўлқинлантиргани рост.

Бу борада фаол аёллар тизими ташкил этилаётгани энг оқилона қарор бўлди. Унда депутатлар, ҳокимлар, турли ташкилотлар раҳбарлари, тадбиркорлар бўлади. Уларнинг фаоллиги билан хотин-қизларнинг муаммоларига ечим топиш осонлашади. Тизим ишга тушса, ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналаётган опа-сингилларимизга кўмак берилади. Бу билан уй-жойсиз, ишсиз аёллар учун қанчадан-қанча имтиёзлар, имкониятлар эшиги очилмоқда.

Тадбирда давлатимиз раҳбари шундай пайтлар бўлдики, аёлларга 4 та уй олиб беришга қийналганмиз, дея таъкидлади. Ёки хотин-қизлар ўз ҳуқуқларини билмаслиги оқибатида аянчли аҳволда яшаб келган. Энди эса улар ўз ҳуқуқларини билади, билмагани ўрганяпти. Чунки бугун уларнинг ҳимоячиси — давлат бор, Президент бор.

Давлат раҳбарининг нутқида яна бир гап алоҳида қайд этилди: бир қизни, бир аёлни ўқитиш орқали бутун бир оилани маърифатли қилган бўламиз. Чунки таълим — нажот, билим — нажот. Бошқа йўл йўқ.

Умуман, юртимизда хотин-қизлар учун кўрсатилаётган юксак эътибор зиммамизга катта масъулият юклайди. Зеро, рағбат ҳамиша кишини янги марралар сари етаклайди. Шундай экан, билдирилган ишончни оқлаш учун бор билим ва салоҳиятимизни ишга солиб, янада кўпроқ ишлаймиз. Меҳнатимиз билан Президентимиз, халқимиз ишончини, албатта, оқлаймиз.

**Дилором ИМОМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби.**

# АҲОЛИ МУАММОЛАРИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ҲАЛ ЭТИЛЯПТИ?

1 Таҳлилларга кўра, биргина ўтган йилда келиб тушган 30 минг 320 та мурожаатдан 16 минг 100 таси ижобий ҳал этилган. Шунингдек, ўтган йил давомида вазирликнинг марказий аппаратига кўплаб мурожаатлар келиб тушган. Агар ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганида вазирликка энг кўп мурожаатлар Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан келган ва ушбу ҳудудлар шартли равишда "қизил ҳудуд" деб белгиланган.

Мазкур мурожаатларнинг асосий йўналишлари сифатида мактабларнинг моддий-техника базаси ва инфратузилмаси, кадрлар етишмовчилиги, раҳбар ва педагоглар ўртасидаги муносабатлар кўрсатилган.

Ахборотда келтирилганидек, бошқа ҳудудларга нисбатан, кўп миқдорда мурожаатлар юборадиган туман (шаҳар)лар ҳам мавжуд. Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Чироқчи туманлари, Сурхондарё вилоятининг Денов туманлари шулар жумласидандир.

Юқоридаги мурожаатларни "аҳолини рози қилиш" тамойили асосида кўриб чиқиш борасида Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вазирлик, унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари, умумтаълим мактабларида 10 минг 227 нафар ходим мурожаатларни қабул қилиш, улар ўз вақтида кўриб чиқилишининг мониторингини олиб боришга масъул этиб белгиланган.

Вазирлик тақдим этган маълумотга кўра, 2021 йилда ўтказилган сайёр қабулларда 17 минг нафар фуқаронинг мурожаати қабул қилинган ва салмоқли қисми жойида ҳал этилган.

Шунингдек, ҳафтанинг ҳар шанба куни халқ таълими тизимида "Халқ қабул куни" деб эълон қилинган. Энг муҳими, қабул давомида келиб тушган 26 минг 862 мурожаатнинг 12 минг 786 тасига жойида ечим топилган. 13 минг 458 таси ўрнатилган тартибда ўрганилиб, фуқароларга жавоб берилган бўлса, қолган 618 та мурожаат тегишлилиги бўйича бошқа давлат органларига юборилган.

Аммо шунга қарамай, бир қатор масалалар ҳамон ечимини топмаган. Хусусан, ўтган йилги Давлат дастурига киритилган кўплаб мактабларнинг қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етмаган. Айрим ҳудудларда эса туман халқ таълими мудирлари ҳамда мактаб директорлари лавозими вакант бўлиб турибди.

Йиғилишда бу масалаларга алоҳида тўхталиниб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берилди. Ўз навбатида, вазирлик ушбу муаммолар тез орада ижобий ҳал этилишини маълум қилди.

Якунда кун тартибидаги масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ДЕПУТАТЛАРНИНГ ЭЪТИРОЗИГА САБАБ...

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.*

## Йўл ҳаракати хавфсизлиги

Унда Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошлиғи О. Саидовнинг "2018 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепцияси ижроси бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, йўлларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан республика бўйича 94 та умумфойдаланиш автомобиль йўлларидаги пиёдалар ўтиш жойлари замонавий ёритиш воситалари билан жиҳозланди. 388 та пиёдалар ўтиш жойидаги светофорларнинг ёниш вақти пиёдаларнинг устунлиги инобатга олинган ҳолда ўзгартирилди.

Маълумотларга кўра, ўтган йилда жами 7 743 125 та йўл ҳаракати қоидабузарлиги аниқланиб, уларга нисбатан йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан расмийлаштирилган баённомаларда 1 триллион 56 миллиард 983 миллион сўм миқдорида жарималар ундирилиши белгиланган. Шулардан, 928 миллиард 4 миллион 993 минг сўми фото ва видео махсус воситалари орқали аниқланган, 287 минг 969 та ҳолатдаги қоидабузарлик жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг автотранспорт воситалари кузатув воситаси орқали қайд этилиб, қоидабузарларга нисбатан 87 миллиард 508 миллион сўм миқдорида жарима қўлланилган.

Эшитувда депутатлар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолият самарадорлигини баҳоловчи асосий кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратди. Соҳада бир қатор ижобий ўзгаришлар билан бирга, мавжуд тизимли муаммолар ва камчиликлар ҳам таъкидлаб ўтилди. Хусусан, республика бўйича 2021 йилда болалар иштирокида 1 минг 621 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган бўлиб, уларда 1 минг 408 нафар бола жароҳатланган, 263 нафар бола эса вафот этган.

Тадбирда бугунги кунда мактаб ўқувчиларида йўл ҳаракати қоидалари, жумладан, велосипед ҳайдаш ва йўллардан ўтиш кўникмаларини такомиллаштириш талаб даражасида эмаслиги, умумтаълим мактабларида йўл ҳаракати, ёнғин хавфсизлиги, фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишни ўз ичига қамраб олган фанни жорий этишга етарли эътибор қаратилмаётганлиги жиддий эътирозлар уйғотди.

Муҳокамаларда мамлакатимизда жами 286 та жарима майдончасининг 116 таси асфальт қопламаси билан қопланмаганлиги, 107 тасида эвакуаторлар ҳамда аксариятида кузатув камераларининг мавжуд эмаслиги депутатларнинг танқидларига сабаб бўлди.

Депутатларнинг фикрига кўра, соҳада тизимли таҳлил ишлари олиб борилмаганлиги натижасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда қатор муаммолар келиб чиқмоқда. Ваҳоланки, "Йўл харитаси"да Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати қошида йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммолари билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот маркази тузиш юзасидан белгиланган вазифанинг ижроси таъминланмаган. Бу масала Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2020 йил 27 ноябрдаги қарорида ҳам танқидий муҳокама қилинган эди.

Эшитув якунида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисалари профилактикаси тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар кўламини янада кучайтириш, соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, бу борада таъсирчан парламент назоратини олиб бориш вазифалари акс этган қарор қабул қабул қилинди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИНИ ОШИРИШ ИШЛАРИ ЎРГАНИЛАДИ

1 Ўрганиш вилоятнинг чекка Шовот ва Гурлан туманларидан бошланди. Бу жараёнда "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармонида белгиланган вазифалар ижроси қандай бораётганлигига алоҳида эътибор қаратилаётир. Зеро, мазкур ҳужжатда белгиланган ҳар бир вазифа долзарб аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг муваффақиятли ижроси маданият ва санъатнинг жамиятда тутган ўрни ва таъсирини янада ошириши, шубҳасиз.

Шунингдек, ишчи гуруҳ томонидан театрлар, маданият марказлари, маданият ва истироҳат боғлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, кўзи ожизлар кутубхоналари фаолияти ҳамда беш муҳим ташаббус доирасидаги ишлар кенг ўрганиляпти. Қолаверса, цирк, дорбозлик ва фольклор, қўғирчоқ театрларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш йўналишларида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳам эътибор марказида бўлмоқда.

Ишчи гуруҳ томонидан бу борада Боғот, Ҳазорасп ҳамда Тупроққалъа туманларида амалга оширилган ишлар ҳам таҳлил қилиб чиқилди. Хусусан, бу туманлардаги маданият марказлари, уларда ташкил этилган тўгараклар ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолияти, аҳолини, айниқса, ёшларни маданий-маърифий тадбирларга жалб этиш ҳолати ўрганилди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, ўрганиш натижаси қўмита мажлисида сенаторлар, эксперт ва кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиниши режалаштирилган. Унда маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш борасида олиб борилган ишлар бўйича маданият вазирининг ахбороти эшитилади.

Хоразм вилоятида ўрганиш ишлари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# ЎРГАНИЛГАН ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИНГ ҚАРИЙБ 50 ФОИЗИДА КАДРЛАРГА ЭҲТИЁЖ МАВЖУД

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Халқ демократик партияси фракцияси ва Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.*

## Қўшма йиғилиш

Қуйи палата ҳузуридаги Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича парламент комиссияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур йиғилишда тиббиёт соҳасининг қуйи тизими учун белгиланган вазифаларнинг ижроси билан боғлиқ масала муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, шу йил февраль ойида ЎзХДП фракциясининг аъзолари халқ депутатлари Кенгашлари билан биргаликда оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолиятини жойларга чиқиб ўрганиб қайтган эди.

Ўрганиш жараёнида Президентимизнинг тегишли Фармони ижроси бўйича, яъни 2021 йилда ташкил этилиши белгиланган 100 та оилавий шифокорлик пункти (ОШП), 28 та оилавий поликлиниканинг (ОП) фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда ўрганиш натижалари бўйича Халқ демократик партияси фракцияси ва Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Қ. Қосимова атрофлича маълумот берди.

Маълумки, соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан такомиллаштириш, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Хусусан, умумий амалиёт шифокори мутахассиси "оилавий шифокор", қишлоқ врачлик пункти "оилавий шифокорлик пункти" деб, қишлоқ ва шаҳар оилавий поликлиникаси эса "оилавий поликлиника", деб қайта номланди ва фаолияти янги босқичга кўтарилди. Ушбу мутахассисларга ёрдам бериш учун терапия, педиатрия, акушерлик ва патронаж бўйича тиббиёт бригадалари ташкил этилди. Мазкур бригадалар ўзларига бириктирилган оилалар кесимида "тиббий харита"лар шакллантириб, манзилли иш олиб бориши белгиланди.

Мониторинг даврида аниқланишича, 100 тадан 96 та оилавий шифокор пункти ишга тушган бўлиб, қолган 4 таси ишга туширилмаган. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида иккита — Бўзатов туманида "Ақ еден" оилавий шифокорлик пункти ҳамда Мўйноқ туманида "Қизил жар" оилавий шифокорлик пункти фаолияти йўлга қўйилмаган. Шунингдек, Андижон вилоятининг Асака туманидаги "Меҳнатобод", Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги "Соз-сой" оилавий шифокорлик пункти турли сабаблар билан ишга тушмаган.

Режалаштирилган 28 та оилавий поликлиниканинг 27 таси ишга туширилган бўлиб, биттасининг (Наманган вилоятининг Давлатобод туманидаги 17-оилавий поликлиника қурилиш ишлари охирига етказилмаган) фаолияти йўлга қўйилмаган.

Оилавий поликлиникаларнинг 13 таси таъмирланган, 14 таси таъмирталаб ҳолатда бўлса, оилавий шифокорлик пунктларининг 56 таси таъмирланган, 36 таси таъмирталаб ҳолатда, 4 тасида эса қурилиш ишлари якунланмаган. Оилавий поликлиникаларнинг 8 таси тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ, 20 таси қисман таъминланган. Оилавий шифокорлик пунктларининг 33 таси тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган, 63 тасида тиббий асбоб-ускуналарга эҳтиёж мавжуд. Ўрганилган тиббиёт муассасаларининг қарийб 50 фоизида кадрларга эҳтиёж борлиги маълум бўлди.

Қўшма йиғилишда депутатлар ўрганишлар давомида аниқланган бошқа ҳолатлар бўйича мутасаддиларга савол ҳамда фикр-мулоҳазалар билан мурожаат қилди. Соғлиқни сақлаш соҳасининг қуйи тизимида амалга оширилаётган муҳим ишлар эътироф этилган ҳолда, аниқланган камчиликларни саъй-ҳаракатларни бирлаштириш орқали бартараф этиш зарурлиги таъкидланди. Турли сабаблар билан фаолияти йўлга қўйилмаган оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолиятини самарали ташкил этиш, парламент ва депутатлик назоратини кучайтириш бўйича чоралар белгиланди.

**«Халқ сўзи».**

# ҲАР ҚАРИЧ ЕРНИНГ ЎЗ ҲИСОБИ БОР

## Амалда бунга риоя қилиняптими?





*Ушбу мавзуга қўл уришимизга Андижон вилоятининг Булоқбоши туманидаги "Ширмонбулоқ" маҳалла фуқаролар йиғинининг Анҳорбўйи кўчасидаги 2-уйда истиқомат қилувчи Исмоилжон Маҳаматовнинг мурожаати сабаб бўлди.*

### Аччиқ, аммо очиқ гаплар

— Икки сотихли ҳовлим бор эди, — дейди И. Маҳаматов. — Уйим шундоққина сув иншооти ёнида жойлашган. Ўртадаги очиқ майдонда қўшимча тураржой биноси қурганман. Эндиликда бу менга ҳам, "Андижон сув таъминоти"дагиларга ҳам халал беряпти. Улар "Бирор фавқулодда ҳолат юз берса, иншоот қулаб тушиб, уйингизни босиб қолади", дейишади. Мен эса бутун бошли иморатни бузишни истамайман. Уйимни бузгандан кўра сув иншоотини бошқа жойга кўчирган яхши эмасми? Шу масалада мурожаат қилмаган идорам қолмади. Ҳеч ким ёрдам бермаяпти...

Фуқаро мурожаатидан аёнки, ноқонуний қурилиш ҳар иккала томонга ҳам ташвиш туғдирган. Хуллас, манзилга бордик. Кўриб гувоҳи бўлдикки, бу жойда тураржой биносини барпо этишнинг ўзи ақлга сиғмас ҳолат. Сабаби уй билан сув иншооти орасида атиги бир-икки метр масофа қолган, холос.

— Сув иншоотларининг муҳофаза майдони иншоотнинг бўйига нисбатан ўлчанади, — дейди "Андижон сув таъминоти" МЧЖнинг Булоқбоши тумани филиали раҳбари Ҳурматой Каримова. — Сабаби, фавқулодда ҳолат юз берганда иншоот қулаб тушса, атрофдаги биноларга салбий таъсир кўрсатмаслиги керак. Бизнинг шароитда сув объектларининг муҳофаза майдони ўртача 9 — 12 сотих майдондан иборат. Фуқаро Исмоилжон Маҳаматов эса айнан сув иншооти муҳофаза майдонига тураржой биносини қуриб олиб, оиласи учун катта хавф туғдирган. Қолаверса, ушбу муҳофаза майдонидан қўшнилари ҳам томорқа сифатида фойдаланаётир. Ваҳоланки, бунга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу масалада фуқароларга тушунтириш бериш билан бирга, тегишли идораларга ҳам мурожаат қилганмиз. Афсуски, натижадан ҳануз дарак йўқ.

Умуман, Андижон вилоятида 1,5 мингдан ортиқ сув иншоотлари мавжуд. Уларнинг аксарияти аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларга яқин масофада жойлашган. Маълумотларга кўра, 138 та ҳолатда муҳофаза майдонлари фуқаролар томонидан ноқонуний равишда ўзлаштириб олинган. Натижада 5,96 гектар майдонда қурилиш ишлари бажарилган. Бу каби ҳолатлар, айниқса, Асака (20 та), Жалақудуқ (14 та), Пахтаобод (19 та), Хўжаобод (16 та) туманларида кўпроқ учрайди.

Мисол учун Хўжаобод туманидаги "Ипакчи" МФЙнинг Истиқлол кўчасида жойлашган сув иншоотига тегишли майдонда тураржой учун пойдевор қуриб қўйилган. Қизиғи шундаки, пойдеворни ким қурганини, ҳатто маҳалла раиси ҳам билмайди.

— Ушбу сув қудуғи 2019 йилда барпо этилган бўлиб, 80 та хонадонни тоза ичимлик суви билан таъминлаб келмоқда, — дейди "Ипакчи" МФЙ раиси Абдураҳмон Тожибоев. — Бу манзилда муқаддам пилла корхонаси бўлган. Ҳозирда ундан фойдаланилмайди. Шу боис бўш майдон аҳолига тураржой бинолари қуриш учун ажратиб берилган. Бунга эътирозимиз йўқ, албатта. Бироқ айнан сув иншооти муҳофаза ҳудудида қурилиш қилиб бўлмаслигини ҳам яхши биламиз. Бу ерга ким ва қачон пойдевор қуйгани эса бизга қоронғу.

Муҳофаза майдонларида ўзбошимчалик билан қурилиш қилган фуқароларни-ку, қонуний талабларни, мавжуд тартибларни билмасликда айблашимиз мумкин. Бироқ тадбиркорлик йўналишида кўпчиликка нафи тегиб келаётган айрим ҳамюртларимизнинг ҳам бу борада масъулиятсиз ёндашувини қандай баҳолашни билмайсан киши.

Масалан, Ипакчи маҳалласининг Кумуш тола кўчасидаги "72" сони билан рақамланган бинода "Муҳаммад Юсуф" МЧЖ томонидан аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатилади. Жамиятнинг девор билан ўралган ҳовлисига кириб, сув таъминоти иншоотига дуч келдик. Бу ҳам камлик қилгандек, сув иншоотидан электр энергияси симёғочи ўрнида фойдаланилган. Энди тасаввур қилинг, фавқулодда вазиятлар юзага келса ёки сув иншоотида таъмирлаш ишларини олиб бориш зарур бўлса, муҳофаза майдонига тадбиркор рухсати билан кириладими?..

Жалақудуқ туманида истиқомат қилувчи якка тадбиркор Тилаболди Яхшибоев ўз ҳақ-ҳуқуқини жуда яхши билади. Ҳар бир ишни пухта бажаришни одат қилган. Унинг айтишича, бундан ўн йил муқаддам тумандаги "Бўстон" МФЙда жойлашган ичимлик суви қудуғига яқин жойда (аниқроғи, сув иншооти муҳофаза майдонида) савдо дўкони қуришни бошлаган ва ҳозирда бу дўкон маҳалла аҳли мушкулини осон қилиб келаётир. Халққа хизмат қилиш яхши, албатта, бироқ бу амалдаги тартибларни четлаб ўтишга изн берадими?

Ажабланарли жиҳати шундаки, тадбиркор томонидан ушбу ер майдони учун кадастр ҳужжатлари тайёрланган. Қизиқ, ўндан зиёд ташкилотлар томонидан тасдиқланган ушбу ҳужжатлар қайси меъёрларга асосан тузилди? Бунда кимни айблаш лозим? Ачинарлиси, айнан шу ернинг ўзида бу каби ҳолат яна такрорланмоқда. Яъни уч ой муқаддам сув иншооти муҳофаза майдонининг савдо дўконига қарама-қарши томонидан маҳалла идораси учун ер майдони ажратилиб, янги бино қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди.



— 2021 йил давомида "Андижон сув таъминоти" МЧЖ томонидан мавжуд сув иншоотларидан унумли фойдаланиш мақсадида ўрганиш ишлари олиб борилди, — дейди МЧЖ бўлим бошлиғи Ҳакимжон Акимов. — Назорат давомида юздан ортиқ сув иншоотлари муҳофаза майдонларида юқоридаги каби ноқонуний қурилиш ишлари амалга оширилгани аниқланди. Бу бўйича фуқаролар ва бошқа мансабдор шахслар билан олиб борилган тушунтириш ишлари самара бермагач, вилоятдаги мутасадди идораларга 30 дан ортиқ хатлар чиқарилди. Шундан атиги 20 фоизига нисбатан амалий жавоб олдик.

Юртимиз заминининг ҳар қаричи олтинга қиёсланади. Айниқса, аҳоли тиғиз яшайдиган Андижон вилоятида ер масаласи долзарб ва баъзан оғриқли муаммолардан. Бироқ бу, бир парча бўш ер турган бўлса, дарров иморат солиш ёки экин экиш мумкин, дегани эмас-да. Инчунин, сув ва бошқа муҳим объектларнинг санитария-муҳофаза зоналаридан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ноқонуний хатти-ҳаракатдир ҳамда бу нохуш оқибатларга олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. Айни хатти-ҳаракат учун қонун олдида жавобгарлик бор. У ҳолда юқорида келтирилган ҳолатлар-чи? Наҳотки, бу билан қизиқадиган масъуллар бўлмаса?..

Биз бу мавзуга яна қайтамиз.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЭРОННИНГ ШҲТГА КИРИШИ ТАРТИБИ КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

*Тошкент шаҳрида 11 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ва Эрон Ислом Республикаси ваколатли вакилларининг маслаҳатлашуви якунлари бўйича Протоколни имзолаш маросими бўлиб ўтди.*

Ҳужжатда Эрон томонининг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш бўйича мажбуриятлари тўғрисидаги Меморандум лойиҳаси маъқулланди.

Тадбирда мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда ШҲТнинг доимий фаолият юритувчи тузилмалари мутасаддилари, аъзо давлатлар миллий координаторлари, шунингдек, Хитой ва Эроннинг Тошкентдаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ҳамда ходимлари иштирок этди.

Мазкур Протокол имзоланиши ўтган йили Душанбе шаҳрида ташкил этилган ШҲТ саммитида саккиз давлат раҳбарларининг Эронни ташкилотга аъзоликка қабул қилиш тартибини бошлаш тўғрисидаги қарорини рўёбга чиқариш йўлида муҳим амалий қадам бўлди.

Ҳужжат Эрон томони аъзо бўлгандан кейин ШҲТ Хартияси, халқаро шартномалар ва тузилма доирасида қабул қилинган ҳужжатлар мақсад ва тамойилига риоя этиш, аъзо давлатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда ШҲТнинг халқаро ва минтақавий масалалардаги нуфузини оширишга ўз ҳиссасини қўшишга тайёрлигидан далолат беради.

Жараённинг навбатдаги босқичи жорий йил сентябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтадиган ШҲТ саммити доирасида Мажбуриятлар тўғрисидаги меморандумни имзолаш ва ушбу мажбуриятларни бажаришдан иборат бўлади. Шундан сўнг ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари Эронга ШҲТга аъзо давлат мақомини бериш масаласини кўриб чиқади.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Владимир Норов Эрон 2005 йилдан буён кузатувчи давлат сифатида ШҲТ фаолиятида иштирок этиб келаётганига эътибор қаратди. Мамлакат минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича асосий органлар йиғилишларида ва маслаҳатлашувларда мунтазам иштирок этади. Хусусан, Эрон Ислом Республикасининг ваколатли тузилмалари ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси билан амалий алоқа ўрнатган ва бу борада фаол иш олиб бормоқда.

— Эрондек давлатнинг ШҲТга кириши ташкилотнинг “географик масъулият” ҳудудини кенгайтиради, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш учун янги, истиқболли йўналишларни очади, — деди В. Норов. — Ташкилотимиз Евроосиё маконида кенг трансконтинентал ҳамкорлик сари ишонч билан бормоқда. Бу, шубҳасиз, минтақавий ва глобал кун тартибидаги долзарб масалаларга янгича қараш имконини беради.

Маросимда видеоконференцалоқа шаклида қатнашган ШҲТ Бош котиби Чжан Минг ушбу тадбирни ташкил этгани учун ШҲТга раислик қилаётган Ўзбекистон томонига, Эронни ШҲТга аъзоликка қабул қилишга қаратилган келишув ҳужжатлари бўйича тизимли мувофиқлаштирилган ишлар учун барча томонларга миннатдорлик билдирди.

Маслаҳатлашувларда сўзга чиққан делегациялар вакиллари Ўзбекистон томонининг ШҲТга раислик доирасидаги саъй-ҳаракатларини, жумладан, ташкилотнинг халқаро ролини мустаҳкамлаш, нуфузини янада ошириш йўлидаги ижобий ишларини таъкидладилар.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Кўргазма

# ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҲАР ТОМОНЛАМА МАНФААТЛИ ТАДБИР



*Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги “SOF EXPO SAMARKAND” мажмуасида якунига етган “Қурилиш техникалари, технологиялари ва материаллари саноат ярмаркаси — Build Pro Expo — 2022” кўргазмаси унда иштирок этган юзга яқин тадбиркорлик субъектлари учун ҳар томонлама манфаатли кечди. Тадбир асносида 500 дан зиёд турдаги қурилиш маҳсулотларини тақдим этган тадбиркорлар соҳага оид илмий ишланмалар ва стартаплар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.*

— Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларига истеъмол бозорида талаб йилдан-йилга ортмоқда, — дейди Самарқанд вилоятидаги “Saturn stainless” МЧЖ бўлим бошлиғи Нодир Турсунов. — Хусусан, биз тайёрлаётган рақобатбардош темир ва зангламас металл маҳсулотларига ҳам харидорлар ҳамиша топилади. Айни пайтда корхонамизда 70 дан зиёд ишчи-ходимлар меҳнат қилмоқда. 2020 йилда 9 миллиард сўмлик, 2021 йилда эса 14 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Асосий хом ашёни Хитой ва Туркиядан олиб келамиз.

Ушбу кўргазмада юртимиздаги қатор қурилиш ташкилотлари билан тайёр маҳсулот етказиб бериш юзасидан 500 миллион сўмликдан кўп шартномалар имзоладик.

Икки кун давом этган кўргазмада қурилиш соҳасига хизмат кўрсатадиган ўқув курслар, банк ва лизинг муассасалари ходимлари тадбиркорлар билан ҳамкорликда ишлаш бўйича шартномалар тузди.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ЭЪЛОН

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO‘JALIGI VAZIRLIGI, O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI, QORAQALPOG‘ISTON RESPUBLIKASI, TOSHKENT SHAHRI, BARCHA VILOYATLARNING TEGISHLI TASHKILOT VA MUASSASALARI RAHBARLARI DIQQATIGA!**

# TOSHKENT DAVLAT AGRAR UNIVERSITETI



***2021/2022-o‘quv yilida bakalavriat ta’lim yo‘nalishlari va magistratura mutaxassisliklari bo‘yicha bitiruvchilarni intellektual salohiyatidan unumli foydalanish va ularning kelajakda o‘z o‘rinlarini topishda ko‘maklashish maqsadida ishga taqsimlash jarayoni boshlanganligini e’lon qiladi va quyidagi ma’lumotlarni taqdim etadi.***

| № | Ta’lim yo‘nalishlari va mutaxassisliklar: Shifri | Nomi | Bitiruvchilar soni | shu jumladan: grant | shartnoma | Qoraqalpog‘iston Respublikasi | | Andijon viloyati | | Buxoro viloyati | | Jizzax viloyati | | Navoiy viloyati | | Namangan viloyati | | Samarqand viloyati | | Surxondaryo viloyati | | Sirdaryo viloyati | | Toshkent viloyati | | Farg‘ona viloyati | | Xorazm viloyati | | Qashqadaryo viloyati | | Toshkent shahri | | Boshqa davlatlar | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | grant | shartnoma | grant | shartnoma | grant | shartnoma | grant | shartnoma | grant | shartnoma | grant | shartnoma | grant | shartnoma | grant | shartnoma | grant | shartnoma | grant | shartnoma | grant | shartnoma | grant | shartnoma | grant | shartnoma | grant | shartnoma | grant | shartnoma |
| | | **OTM bo‘yicha jami:** | **1143** | **304** | **839** | **9** | **14** | **3** | **11** | **19** | **21** | **31** | **48** | **12** | **22** | **4** | **17** | **12** | **25** | **23** | **94** | **34** | **40** | **71** | **172** | **13** | **73** | **11** | **28** | **20** | **96** | **42** | **177** | | **1** |
| | | **Bakalavriat (kunduzgi): jami** | **652** | **157** | **495** | **1** | **8** | **1** | **3** | **18** | **13** | **26** | **28** | **8** | **19** | **1** | **8** | **5** | **9** | **2** | **53** | **26** | **23** | **40** | **105** | **2** | **42** | **1** | **18** | **4** | **54** | **22** | **111** | | **1** |
| 1 | 5233100 | Agrosanoatda buxgalteriya hisobi | **20** | **8** | **12** | 1 | | | | | 1 | 1 | | | | | | | 1 | | 2 | 1 | 1 | 4 | 3 | | | | | | 1 | 1 | 3 | | |
| 2 | 5233200 | Agrologistika | **18** | **3** | **15** | | | | | | | | 2 | | | | | 1 | 2 | 1 | | | 1 | | 2 | | | | 3 | | 2 | 1 | 3 | | |
| 3 | 5233300 | Agrobiznes va investitsion faoliyat | **44** | **10** | **34** | | 1 | | | 2 | | 1 | 1 | 2 | 2 | | | | 1 | | | 2 | | 2 | 13 | | | | 2 | | | 1 | 14 | | |
| 4 | 5411800 | Qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini standartlashtirish va sertifikatlash | **36** | **4** | **32** | | 1 | | | | 2 | | | | | 1 | 3 | | | 1 | 6 | | | 1 | 8 | 1 | 7 | | 1 | | | | 4 | | |
| 5 | 5411900 | Agrobiotexnologiya | **13** | **2** | **11** | | | | | | 1 | | 2 | 1 | | | | | 1 | | | | | 1 | 2 | | | | | | 3 | | 2 | | |
| 6 | 5410100 | Agrokimyo va agrotuproqshunoslik | **24** | **6** | **18** | | | | | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | 1 | | | | 2 | 1 | | 1 | 2 | | 1 | | | | 3 | 2 | 7 | | |
| 7 | 5410200 | Agronomiya (dehqonchilik mahsulotlari turlari bo‘yicha) | **60** | **13** | **47** | | 1 | | 1 | 2 | | 2 | 1 | 1 | 4 | | | | 1 | | 5 | 2 | | 4 | 4 | | 10 | | 5 | | 6 | 2 | 9 | | |
| 8 | 5410300 | O‘simliklarni himoya qilish (ekin turlari bo‘yicha) | **74** | **19** | **55** | | 1 | | | 2 | 2 | 2 | | | 1 | | | 2 | 2 | | 5 | 3 | 2 | 5 | 21 | | 3 | | | 1 | 6 | 4 | 12 | | |
| 9 | 5410400 | Qishloq xo‘jaligi ekinlari selektsiyasi va urug‘chiligi (ekin turlari bo‘yicha) | **21** | **4** | **17** | | | | | 1 | | 1 | 2 | | 1 | | 1 | | | | 1 | | 3 | 1 | 4 | | 1 | | 1 | | | 1 | 3 | | |
| 10 | 5410500 | Qishloq xo‘jalik mahsulotlarini saqlash va dastlabki ishlash texnologiyasi (mahsulot turlari bo‘yicha) | **49** | **15** | **34** | | | | | 3 | 4 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 1 | | | 6 | 2 | 3 | 4 | 9 | | 2 | | | 1 | | 2 | 7 | | 1 |
| 11 | 5410600 | Zooinjeneriya (baliqchilik) | **18** | **8** | **10** | | | | | | | 2 | 3 | | | | | | | | | 2 | | 4 | 4 | | 1 | | | | 1 | | 1 | | |
| 12 | 5410800 | O‘rmonchilik | **54** | **12** | **42** | | 1 | | | 2 | | 2 | 1 | | | | | 1 | 1 | | 6 | 2 | | 2 | 7 | | 3 | 1 | 2 | | 12 | 2 | 9 | | |
| 13 | 5410900 | Ipakchilik va tutchilik | **37** | **8** | **29** | | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | 1 | 1 | | | | | | | | 5 | 1 | | 2 | 4 | 1 | 1 | | 1 | | 4 | | 9 | | |
| 14 | 5411000 | Mevachilik va uzumchilik | **31** | **8** | **23** | | 1 | | | | | 4 | 4 | | 1 | | | | | | 1 | 2 | 1 | 1 | 3 | | 3 | | | 1 | 1 | | 8 | | |
| 15 | 5411100 | Dorivor o‘simliklarni yetishtirish va qayta ishlash texnologiyasi | **34** | **12** | **22** | | | | | 2 | | 2 | 2 | 2 | 3 | | | | | | 3 | 2 | 2 | 2 | 1 | | 3 | | | 1 | 3 | 1 | 5 | | |
| 16 | 5411200 | Manzarali bog‘dorchilik va ko‘kalamzorlashtirish | **27** | **5** | **22** | | | | | | | 1 | 1 | | 3 | | | | | | 2 | 1 | 3 | 1 | 5 | | 1 | | 1 | | 5 | 2 | 1 | | |
| 17 | 5411500 | O‘simliklar va qishloq xo‘jalik mahsulotlari karantini | **43** | **6** | **37** | | | | 1 | | | 2 | 3 | | | | | | | | 6 | 1 | | 1 | 9 | | 3 | | 2 | | 3 | 2 | 10 | | |
| 18 | 5411600 | Sabzavotchilik, polizchilik va kartoshkachilik | **16** | **4** | **12** | | | | | | | 1 | | | 1 | | | | | | 3 | 2 | 4 | 1 | 1 | | 2 | | | | 1 | | | | |
| 19 | 5411700 | Issiqxona xo‘jaligini tashkil etish va yuritish | **20** | **5** | **15** | | | | | 1 | | 1 | 1 | 1 | 2 | | 2 | | | | | 1 | 2 | 1 | 3 | | 1 | | | | 1 | | 3 | | |
| 20 | 5630300 | Qishloq xo‘jaligida ekologik xavfsizlik | **13** | **5** | **8** | | 1 | | | | | 1 | 2 | | | | 1 | | | | | 1 | 1 | 2 | | | | | | | 2 | 1 | 1 | | |
| | | **Bakalavriat (sirtqi):** | **28** | | **28** | | | | **1** | | **2** | | | | **1** | | | | **2** | | **4** | | **1** | | **7** | | **3** | | **1** | | **1** | | **5** | | |
| 1 | 5230100 | Iqtisodiyot (tarmoqlar va sohalar bo‘yicha) | **15** | | **15** | | | | | | 1 | | | | | | | | 1 | | 3 | | | | 7 | | | | 1 | | | | 2 | | |
| 2 | 5410200 | Agronomiya (dehqonchilik mahsulotlari turlari bo‘yicha) | **8** | | **8** | | | | 1 | | 1 | | | | 1 | | | | 1 | | | | 1 | | | | 2 | | | | | | 1 | | |
| 3 | 5410300 | O‘simliklar va qishloq xo‘jalik mahsulotlari karantini | **4** | | **4** | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | 1 | | | | | | 2 | | |
| 4 | 5410600 | Zootexniya (baliqchilik) | **1** | | **1** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | |
| | | **Magistratura:** | **355** | **147** | **208** | **8** | **3** | **2** | **4** | **1** | **3** | **5** | **12** | **4** | **1** | **3** | **6** | **7** | **7** | **21** | **30** | **8** | **4** | **31** | **43** | **11** | **16** | **10** | **6** | **16** | **31** | **20** | **42** | | |
| 1 | 5A230102 | Iqtisodiyot (qishloq xo‘jaligida) | **12** | **1** | **11** | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | 2 | | | | 3 | | 1 | | | | | | 4 | | |
| 2 | 5A230901 | Buxgalteriya hisobi (qishloq xo‘jaligida) | **14** | **1** | **13** | | 1 | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | 1 | 5 | | | | | | 1 | | 5 | | |
| 3 | 5A232501 | Logistika (agrologistika) | **11** | **1** | **10** | | | | | | 1 | | | | | | | | 1 | 1 | 2 | | | | 1 | | | | 1 | | 2 | | 2 | | |
| 4 | 5A233301 | Agrobiznes va investitsion faoliyat | **14** | **1** | **13** | | | | | | | | | | | | 1 | | 2 | | 3 | | | 1 | 2 | | | | | | 1 | | 4 | | |
| 5 | 5A310901 | Mahsulotlar xavfsizligi va ularning sertifikatsiyasi (qishloq xo‘jaligi mahsulotlari) | **19** | **5** | **14** | | **1** | | | | | | | | | | | | 1 | | 4 | 1 | | 3 | 1 | | 1 | | 1 | | 2 | 1 | 3 | | |
| 6 | 5A320501 | Biotexnologiya (mahsulot turi bo‘yicha) | **6** | **4** | **2** | | | | | | | | | | 1 | | | | | 2 | | | | 2 | 1 | | | | | | | | | | |
| 7 | 5A410101 | Agrotuproqshunoslik va agrofizika (tuproq agrofizikasi) | **4** | **2** | **2** | **1** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | 2 | | | | |
| 8 | 5A410101 | Agrotuproqshunoslik va agrofizika (tuproq bonitirovkasi) | **2** | | **2** | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | | | |
| 9 | 5A410102 | Agrokimyo | **6** | **4** | **2** | **1** | | | | | | | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | | | | | | 2 | 1 | | | |
| 10 | 5A410201 | Agronomiya | **7** | **5** | **2** | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | 1 | | 1 | 1 | | | | | 1 | | 1 | | | |
| 11 | 5A410202 | O‘simlikshunoslik (donchilik) | **5** | **3** | **2** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | 1 | | 1 | 1 | | |
| 12 | 5A410202 | O‘simlikshunoslik (paxtachilik) | **6** | **3** | **3** | | | | | | | | **1** | | | | | | | 1 | | | | | | 2 | 1 | | 1 | | | | | | |
| 13 | 5A410202 | O‘simlikshunoslik (moyli ekinlar) | **1** | **1** | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | |
| 14 | 5A410202 | O‘simlikshunoslik (texnik ekinlar) | **4** | **2** | **2** | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | 1 | | | | | | | 1 | | | | |
| 15 | 5A410203 | Organik dehqonchilik va oziq-ovqat xavfsizligi | **9** | **6** | **3** | | | | | **1** | | | **1** | **1** | | | | | | | | | | | 1 | | | 2 | | 2 | 1 | | | | |
| 16 | 5A410301 | O‘simliklar himoyasi (kimyoviy himoya qilish) | **8** | **4** | **4** | | | | | | | | | | | | 2 | 1 | | 1 | | | | 2 | | | | | | | 1 | | 1 | | |
| 17 | 5A410301 | O‘simliklar himoyasi (biologik himoya qilish) | **8** | **5** | **3** | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | 1 | 1 | | | | | 2 | 1 | 1 | 1 | | |
| 18 | 5A410302 | Entomologiya | **9** | **3** | **6** | | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | 3 | | | | 1 | 1 | 1 | | | 1 | | | | | |
| 19 | 5A410303 | Fitopatologiya | **11** | **6** | **5** | | | | | | | **1** | | | | | | 1 | | | 1 | 1 | | 2 | 2 | | | | | | 1 | 1 | 1 | | |
| 20 | 5A410304 | O‘simliklar himoyasida monitoring va bashorat | **8** | **3** | **5** | | | | | | | | 1 | | | | | | | 1 | 1 | | | | 2 | 1 | | | | 1 | | | 1 | | |
| 21 | 5A410401 | Selektsiya va urug‘chilik (donli ekinlar) | **6** | **4** | **2** | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | 2 | 1 | | 1 | | |
| 22 | 5A410401 | Selektsiya va urug‘chilik (g‘o‘za) | **7** | **4** | **3** | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | 1 | | 2 | | | 1 | | | | 1 | | 1 | | |
| 23 | 5A410401 | Selektsiya va urug‘chilik (moyli ekinlar) | **3** | | **3** | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | |
| 24 | 5A410401 | Selektsiya va urug‘chilik (meva-sabzavot ) | **9** | **3** | **6** | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 1 | 1 | | | 1 | 2 | 1 | | | |
| 25 | 5A410501 | Qishloq xo‘jalik mahsulotlarini saqlash va dastlabki ishlash texnologiyasi (meva-sabzavot mahsulotlari) | **9** | **1** | **8** | | | | 1 | | | | 3 | | | | | | | | 2 | | | 1 | 1 | | | | | | | | 1 | | |
| 26 | 5A410501 | Qishloq xo‘jalik mahsulotlarini saqlash va dastlabki ishlash texnologiyasi (dala ekinlari mahsulotlari) | **5** | | **5** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | 1 | | 1 | | 1 | | |
| 27 | 5A410501 | Qishloq xo‘jalik mahsulotlarini saqlash va dastlabki ishlash texnologiyasi (paxta xom ashyosi) | **5** | **2** | **3** | | | | | | | | | | | 1 | | | | | 1 | | 1 | | | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 28 | 5A410606 | Baliqchilik | **18** | **7** | **11** | | | | | | 1 | | 1 | 1 | | | 1 | | 1 | | | | | 1 | 4 | 2 | | | | 1 | 3 | 2 | | | |
| 29 | 5A410801 | O‘rmonchilik | **11** | **6** | **5** | 1 | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | 1 | 2 | | 1 | | | 1 | 1 | 2 | | | |
| 30 | 5A410901 | Ipakchilik | **8** | **5** | **3** | 4 | | | | | | | | | | | | | | 1 | 2 | | | | | | | | | | 1 | | | | |
| 31 | 5A410902 | Tutchilik | **6** | **4** | **2** | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | | | | | 1 | | | | | |
| 32 | 5A411001 | Sabzavotchilik va polizchilik | **10** | **7** | **3** | | | 1 | | | | | | | | | | | | 2 | | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 2 | | | 1 | | | | |
| 33 | 5A411002 | Mevachilik | **6** | **5** | **1** | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | 2 | | 2 | | | |
| 34 | 5A411003 | Uzumchilik va uzumni dastlabki qayta ishlash | **9** | **6** | **3** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | 1 | | 2 | | | 1 | 2 | 1 | | |
| 35 | 5A411004 | Kartoshkachilik | **3** | **2** | **1** | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | | 1 | | | | | | | |
| 36 | 5A411005 | Meva-sabzavotchilikda biotexnologiya | **10** | **5** | **5** | | | | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | | 2 | 1 | 2 | | | 1 | | | | 2 | | |
| 37 | 5A411101 | Dorivor o‘simliklarni yetishtirish texnologiyasi | **13** | **5** | **8** | | | | 1 | | 1 | | 2 | 1 | | | 1 | 2 | | 1 | | | | 1 | 1 | | | | | | | | 2 | | |
| 38 | 5A411201 | Aholi yashash joylarini ko‘kalamzorlashtirish va landshaft dizayni | **7** | **4** | **3** | | | | | | | | | 1 | | | | | | 1 | | | | 2 | 3 | | | | | | | | | | |
| 39 | 5A411202 | Manzarali bog‘dorchilik | **6** | **2** | **4** | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | 1 | 3 | | |
| 40 | 5A411501 | O‘simliklar va qishloq xo‘jalik mahsulotlari karantini | **18** | **5** | **13** | | | | 1 | | | 1 | | | | | 1 | | | | 1 | | | 2 | | | 2 | | | | 4 | 2 | 4 | | |
| 41 | 5A411701 | Himoyalangan yer meva-sabzavotchiligi | **10** | **6** | **4** | | | | | | | | 2 | | | | | 2 | | 1 | 2 | 1 | | | | 1 | | | | | | 1 | | | |
| 42 | 5A411702 | Subtropik va sitrus meva ekinlari | **6** | **4** | **2** | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | | 1 | 1 | | | | | | | | 1 | 1 | | |
| 43 | 5A630102 | Ekologiya (qishloq xo‘jaligida) | **6** | | **6** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | 2 | | | | | | 2 | | |
| | | **Qo‘shma ta’lim** | **108** | | **108** | | **3** | | **3** | | **3** | | **8** | | **1** | | **3** | | **7** | | **7** | | **12** | | **17** | | **12** | | **3** | | **10** | | **19** | | |
| 1 | 5230100 | Iqtisodiyot (qishloq xo‘jaligi) (Saratov) | **44** | | **44** | | | | 3 | | 1 | | 2 | | | | 1 | | 5 | | 3 | | 5 | | 6 | | 6 | | 1 | | 4 | | 7 | | |
| 2 | 5410500 | Qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini saqlash va birlamchi qayta ishlash texnologiyasi (mahsulot turlari bo‘yicha) (Saratov) | **35** | | **35** | | 2 | | | | | | 3 | | | | | | 2 | | 2 | | 4 | | 7 | | 3 | | 1 | | 4 | | 7 | | |
| 3 | 5411200 | Manzarali bog‘dorchilik va ko‘kalamzorlashtirish (Volgograd) | **9** | | **9** | | 1 | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | 1 | | 3 | | |
| 4 | 5412000 | Suv bioresurslari va akvakultura (Astraxan) | **20** | | **20** | | | | | | 1 | | 2 | | 1 | | 2 | | | | 2 | | 2 | | 3 | | 3 | | 1 | | 1 | | 2 | | |

**Qo‘shimcha ma’lumotlar uchun telefon: 71-260-38-00, faks: 71-260-48-00, Marketing va talabalar amaliyoti bo‘limi telefoni: 71-260-48-50.**

## Бунёдкорлик

*Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманида ижтимоий шаҳарча фойдаланишга топширилди. Бу юртимизда ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларнинг турмуш шароитини яхшилаш, ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмай, орзу-мақсадлар рўёбига кўмаклашишга қаратилган инсонпарварлик сиёсатининг яна бир ёрқин ифодасидир.*

# ОРОЛБЎЙИДА ЯНА БИР ИЖТИМОИЙ ШАҲАРЧА БАРПО ЭТИЛДИ

8 миллиард сўмлик қурилиш-реконструкция ишлари олиб борилган ушбу шаҳарчада оилаларнинг бекаму кўст яшаши учун барча шароит яратилди. Болалар боғчаси, тикувчилик ўқув маркази, оилалар учун алоҳида иссиқхоналар, дорихона, спорт зали ва майдончаси, кутубхона, дўкон, сартарошхона, пойабзал тикиш устахонаси ҳамда бошқа бир қатор маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди. Бундан ташқари, бу ерда тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш маркази ҳам ташкил қилинган бўлиб, шу жойнинг ўзида боқувчисини йўқотган кексаларга сифатли ижтимоий хизмат кўрсатилади.

— Шаҳарчага кўчиб келишимиздан аввал ўн беш йил давомида ижарада яшадик, — дейди Дилноза Раҳмонқулова. — Бу орада бир фарзандим саратон касаллиги билан хасталаниб, ҳаётдан кўз юмди. Шундан сўнг уй-жой қилиша шароитимиз бўлмади, турмуш ўртоғим ҳам хасталаниб, меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолди. Дунё кўзимизга қоронғи бўлиб, қийналиб юрган кезларда бизга шу шаҳарчадан уй беришди. Шароити ҳавас қилгулик.

Қолаверса, шаҳарчада бир сотихлик тайёр иссиқхона ҳам берилди. Бу билан рўзғоримизни бутлашга ҳаракат қиламиз.

Тадбирда уй-жойга муҳтож аёлларга янги турархжойлар калитлари тантанали равишда топширилди.

Ижтимоий шаҳарчанинг тантанали очилиш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Мурат Камалов иштирок этди.

**Ғайрат ОТАЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЭЪТИБОРГА МУҲТОЖ ТАРИХИЙ ОБИДАЛАР «ОҲИ»НИ КИМ ЭШИТАДИ? ЁКИ МУТАСАДДИЛАР НЕГА ЖИМ?

***“Халқ сўзи”нинг 2021 йил 4 март сонида Бухоро шаҳридаги нодир тарихий меъморий обида — Абдулазизхон мадрасаси шарқий қисмидаги деворнинг бир қисми қулаб тушгани ҳақида “Тўрт йилдан буён “бетоб” девор” сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинган эди. Орадан роппа-роса бир йил ўтди. Мадраса девори абгор ҳолга тушганига эса беш йил бўлди...***



**ТЎРТ ЙИЛДАН БУЁН «БЕТОБ» ДЕВОР**

Ёхуд Абдулазизхон мадрасасининг кечмиши бизга сабоқ бўладими?

## Таассуф

Хўш, вазият яхши томонга ўзгардими? Афсуски, ҳозирча йўқ. Қулаган деворнинг шундоқ ёнидан йўл очилганини, кимлардир уйи, меҳмонхонасини таъмирлаш учун юк машиналарида қум, шағал олиб ўтганини, мадраса ортида ноқонуний ахлатхона юзага келганини айтмаса, аҳвол ўша-ўша: 1651-1652 йилларда Абдулазизхон даврида Мирзо Улуғбек мадрасаси қаршисида қад ростлаган, меъморий нуқтаи назардан “мўъжиза”га тенглаштирилган, сайёҳларнинг кучли қизиқишига сабаб бўлувчи ушбу бетакрор тарихий иншоот тобора нураб бормоқда.

Ваҳоланки, ўшанда Бухоро вилояти маданий мерос бошқармаси масъуллари тезкор чора кўрилмаса, бу мадраса қайта тикланмас аҳволга келиб қолиши мумкинлигини айтишган, таъмирлаш-тиклаш ишлари юзасидан тайёрланган дастлабки лойиҳа ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси марказига тақдим этилганини билдирган эди. Қолаверса, ташқи таъсирлар (қор, ёмғир)дан асраш учун мадрасанинг қулаган шарқий девори қисми устини енгил конструкция асосида ёпиш режалаштирилаётгани маълум қилинганди. Афсуски, бу иш ҳам қолиб кетди.

Маълум бўлишича, тарихий ёдгорликларни таъмирлашдаги асосий муаммо маблағ билан боғлиқ. Лекин масаланинг яна бир томони бор. Агар мадраса бугун эмас, бир-икки йилдан кейин таъмирланса, ҳозиргига қараганда икки-уч ҳисса кўп маблағ сарфланиши тайин. Негаки, вақт ва ташқи таъсирлар ҳеч нимани аяб ўтирмайди.

Маданий мерос объектлари, бу — халқимизнинг бойлигидир. Қарангки, бу муаммо ҳали кун тартибидан тушмай туриб, шундоқ рўпарадаги Мирзо Улуғбек мадрасаси ҳам таъмирталаб аҳволга тушганига гувоҳ бўлдик...

Умуман, Бухорода маданий мерос объектларини асрашга беписанд муносабатда бўлаётган мутасаддилар энди бунга нима дейишар экан?!

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**



## Мушоҳада

*Бугун дунё ва атрофимизда кечаётган мураккаб жараёнлар, у ёки бу мамлакатда ирқчилик, миллатчилик, шовинизм, диний тоқатсизлик кўринишидаги жиноятларнинг ортиб бораётгани, алкоголь ичимликлар, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилаётган ёшлар сони кўпаяётгани маънавият ва тарбия масалаларига эътиборсизлик ҳар қандай давлат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини хавф остига қўйиши ва охир-оқибатда жамиятни таназзулга етаклаши мумкинлигини кўрсатмоқда.*

*Тан олиш керак: сиёсатчилар, файласуфлар, мутахассислар айтаётганидек, бутун дунёда маънавиятга, таълим-тарбияга, инсоний қадриятларга дарз кетмоқда. Америка, Европа, Осиё ва Африканинг айрим мамлакатларидаги нохуш манзаралар маънавият мавзуининг тобора долзарб аҳамият касб этаётганидан далолатдир. Шунинг учун ҳам Европадаги қатор мамлакатлар парламентлари депутатлари мактабни нафақат таълим, балки асосий тарбия масканига айлантириш учун таълим тўғрисидаги концепцияни қайта кўриб чиқиш, мактаб ва оилаларда ўзаро меҳр-муҳаббат ва аҳилликни шакллантиришга, оммавий ахборот воситаларида эса зўравонликни тарғиб этувчи чиқишларни тақиқлашга чақирмоқда.*



# ИНСОН РУҲИЯТИ ДУНЁНИ ҚУТҚАРАДИ

АҚШда 7,5 миллион нафар бола ва ўсмирнинг ота-онаси алкоголь маҳсулотларини ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиши аниқланган. Бу ушбу ёшдаги америкаликларнинг 10,5 фоизи деганидир. Ачинарлиси, бу болаларнинг 1,4 миллион нафарини фақат ё отаси, ё онаси тарбия қилмоқда. Психологлар ота-оналарнинг бундай хулқи болаларда ҳам алкоголга қарамликни юзага келтиришини айтиб, огоҳлантиришмоқда.

Францияда юқори синф ўқувчиларининг 6 фоиздан кўпроғи мунтазам равишда гиёҳвандлик моддалари, 13 фоизи спиртли ичимликлар истеъмол қилади.

Маълумотларга қараганда, ҳар йили Бирлашган Қироллиқдаги ҳар тўрт нафар ўқитувчининг бири ўқувчилар зўравонлигига дуч келган. Натижада Англия ва Уэльсдаги педагоглар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳоллари ўртача 40 фоиздан ортган. Бундан-да аянчлиси, шаҳарлар кўчаларида одамлар кўнглига ғулғула ва қўрқув солиш билан шуғулланаётган ўсмирлар турли ноқонуний гуруҳларга уюшмоқда. Оқибатда содир этилаётган жиноятлар ортидан ахлоқ тузатиш колониялари ўсмирлар билан тўлиб-тошаётир.

Марказий ва Шарқий Европадаги айрим давлатларда миллатчилик, шовинизм, диний тоқатсизлик кучайиб кетган. Бу ҳам таълим-тарбиянинг, маънавият масалаларининг ортга кетганидан, бўшлиқ пайдо бўлганидан далолат беради. Афсуски, ана шу бўшлиқ ортидан бугун дунёда оила ва жамият ҳаёти жиддий хавф остида қолаётир. Мактаб ва университетларда қуролли ҳужумлар содир этилаётгани, катта шаҳарлар кўчаларида криминал унсурларнинг бемалол фаолият юритаётгани, шовинистик ва фашистик руҳдаги ташкилотлар аъзоларининг куппа-кундузи хорижликларни ўлдириб кетаётгани, эркак билан аёл ўртасида фарқ қолмаётгани, ёшларнинг фаҳшни тарғиб этадиган журналлардаги чиқишлари хавотирлидир. Лоқайдлик, бепарволик, мафкуравий бўшлиқ оқибатида бўлар-бўлмас кинофильмлар ва одатлар қаровсиз қолган ёшлар онгини заҳарлашда давом этмоқда. Айтиш жоизки, жамиятларда дин ўрнининг камайиб бориши Ғарбда ахлоқсизлик, бир жинслилар никоҳи фаҳш ишлари урчишининг бош сабабчисидир. Тўлақонли оилани ҳимоя қилишдан кўра алоҳида шахсларга эътибор қаратиш, никоҳсиз яшовчилар сонининг кўпайишига нисбатан бефарқлик, бир жинслилар никоҳига қонунан рухсат берилиши, жамият ҳаётидан дин таъсирининг узоқлашуви сингари омиллар ўша мамлакатдаги миллат генофондига ва демографик жараёнларга салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Болалар зўравонлик саҳналари акс этган компьютер ўйинларига муккасидан кетишгани ҳам, мутахассислар айтишича, жиноятчиликнинг ортишига олиб келмоқда. Норвегиялик олим, профессор Крег Андерсон ўтказган тадқиқот ҳам виртуал оламда одам ўлдиришга одатланган ўсмир реал ҳаётда ўзини шунчалик хавфли тутишини исботлади. Руҳшуносларнинг фикрича, болада тажовузкорлик кайфиятини камайтириш учун кескин чораларга қўл уриш пайти келган. Акс ҳолда, бир кишининг эркинлиги топталган жойда иккинчи кишининг эркинлиги барҳам топади, қабилидаги ғоя илгари сурилаётган давлатларда “фуқаролар хавфсизлиги” деган тушунча мавҳум бўлиб қолаверади. Бу ҳолат бир қатор олимларнинг Ғарб дунёси чуқур маънавий ва ахлоқий таназзулни бошидан кечираётгани, бу жамиятда иқтисодий тараққиётнинг секинлашуви баробарида, жиноятчилик ва наркоманиянинг чуқур илдиз отаётгани туфайли яқин йилларда илм-фан ва техника тараққиёти Ғарбдан Шарққа кўчиши ҳақидаги башоратларини янада жонлантиргандек бўлди.

Бундай иллатларнинг урчишига сабаб бўлаётган омиллар хусусида олимлар ва таҳлилчиларнинг ўз қарашлари, фикр-мулоҳазалари бор. Биринчидан, барча халқлар учун қадрли бўлган инсонийлик ақидаларига мос келмайдиган турли бузғунчилик, ваҳшийлик, зўравонликлар тасвирга туширилган кинофильмлар, ОАВ ва интернет орқали тарғиб этилаётган “беҳаё саҳналар” жиноятчиликни хаспўслашга хизмат қиляпти, холос. Бундай “урф”ларни кўз-кўз қилиш ортида одамни фақат ҳайвоний нафс билан яшайдиган жонзотга айлантиришдек тубан мақсадларни кўзда тутаётган катта куч, хатарли мафкура борлигига асло кўз юмиб бўлмайди. Шунинг учун ушбу муаммони кенг миқёсда, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқ. Жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, маънавиятга қарши таҳдид пайдо бўладиган бўлса, ўзининг бугунги куни ва эртанги истиқболини ўйлаб яшайдиган ҳар бир онгли инсон, ҳар бир халқ ташвишга тушиши, унинг олдини олиш учун керакли чораларни кўриши шарт.

Табиийки, табиатдаги ҳар бир ҳодиса, ундаги ҳар бир ўзгариш бевосита кишиларга дахл қилади. Чунки одамлар уларни кўради, кузатади, ҳис қилади. Энг муҳими, улардан ўз манфаатини кўзлайди. Ана шу мақсад, ният кишиларни ҳар хил кўйга солади, турли ҳаракатларга ундайди. Инсон ҳаётда наф олиш истаги билан яшайди. Аммо манфаат илинжида яшайдиган инсон, барибир, яхшиликка, эзгуликка интилади. У табиатнинг нафосатидан, ўзининг, бир-бирининг нафис амалларидан, гўзал хулқидан завқ олади. Бу хусусият ҳар бир одам табиатига, вужудига илоҳий тарзда сингдирилган.

Одамлар ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, теварак-атрофдаги ҳодисалардан таъсирланади. Аммо уларни ҳамма ҳам бир тарзда қабул қилмайди. Теваракдаги ҳодисалардан хулоса чиқаришда ҳам ҳамманинг хаёлига ҳар хил ўй-фикр келади. Бу ҳар кимнинг ёши, турмуш тажрибаси, билими даражаси, муҳими, ички қобилияти, имкониятидан келиб чиқади. Ҳар ким ўзига хос қиёфа-кўринишу қисмат, ризқу насиба билан яратилган. Шу боис кишиларнинг ҳаётни тушуниш, мавжуд билим, тажрибаларни ўзлаштириш, келгусини англаш даражаси ҳар хил бўлади. Бу борада салоҳияти баланд кишилар дарҳол бошқалар эътиборини ўзига қаратади. Минг-минглаб кишилар бир кишини — ақл-тафаккури жиҳатидан бошқалардан баланд турган шахснинг сўзини тинглайди, унга итоат қилади, эргашади. Албатта, бу жараён жўн, жуда осонлик билан кечмайди. Ҳар бир шахс ўзини танитгунча, ибратга айлангунча мураккаб тўсиқларга дуч келади, оғир азоб, машаққатлар тортади. Чунки ҳар бир одам ўзини ақлли, кучли деб билади, ҳар бир одамнинг кўнглида кибр — манманлик яшайди. Манманлик хуружи бошқаларни тан олишга монелик қилади. Ички бир васваса ҳар бир одамга: “Бошқалардан асло кам эмассан, аксинча, ҳаммадан сен зўрсан”, дея қутқу солиб туради. Шунинг учун одамлар пайғамбар, набийларни ҳам, шайх, авлиё зотларни ҳам, олим-уламо, шоир-ёзувчиларни ҳам осонгина тан олиб, эътироф этмайди. Аммо одамлар феъл-атворидаги кибр — манманлик, шуҳратпарастлик қанчалик кучли бўлмасин, улар кимгадир ҳавас қилади, ҳасад қилади. Ўшандай бўлишга интилади, ҳар бир ҳаракатида кимгадир таассуб қилади. Бу ҳар бир одам, истаса-истамаса кимдандир ибрат олишга интилишидан далолат беради.

Инсон табиатидаги ана шу хусусият боис, санъат ва адабиётда азал-азалдан ибратли қаҳрамонлар сиймоси яратиб келинади. Ҳайкалтарошлар ва рассомлар фаришталар, пайғамбарлар, набийлар, авлиёларни ўз тасаввурлари асосида гўзал қиёфада яратишади.

Маънавият ва адабиёт ҳар доим инсонни яхшиликка даъват этиб, ёмонликдан қайтаришга хизмат қилиб келган. Дастлаб санъат ва адабиётда илоҳий кучлар — фаришталар ибрат тимсоли сифатида кўрсатилган. Пайғамбарлар — Худо юборган хабарчи сифатида ибратга айланган. Пайғамбарлар ҳаёти ҳақида турли афсона, ривоятлар тўқилган, қиссалар, ҳикоялар яратилган, набийлар, расуллар ҳар жиҳатдан намуна олишга муносиб зот сифатида таъриф-тавсиф қилинган. Ҳазрати Одам алайҳиссалом, Нуҳ пайғамбар, Иброҳим алайҳиссалом, Довуд, Сулаймон, Мусо, Исо алайҳиссаломларнинг ҳаёти ҳақидаги ҳикоялар ибрат-намуна сифатида аждодлардан-авлодларга ўтиб келган. “Қиссаси Рабғузий”даги пайғамбарлар ҳаёти ҳақидаги ҳикоялар фавқулодда ўткир драматизмга бой сюжети билан бугунги ахборот асри кишисини ҳам ҳайратга солади. Пайғамбарлар ҳар бир замоннинг энг илғор кишилари учун ибрат сифатида таассурот қолдиради. Пайғамбарлар нафақат Рабғузий сингари ўтмиш давр ижодкорлари, балки Чингиз Айтматов, Михаил Булгаков, Пауло Коэльо каби замонавий адиблар асарларида ҳам ибратли қаҳрамон сифатида кўрсатилади. Улар метин иродаси, сабр-бардоши, ҳақ йўлда собитлиги, ақл-заковати, Аллоҳга эътиқоди, одамларга меҳрибонлиги билан ҳар қандай кишини лол қолдиради.

Инсон руҳиятини очишда адабиётнинг ўрни катта. Кишилар кўнглида эзгулик ҳисларини уйғотадиган қаҳрамонлар образини яратиш ҳамиша ижодкорларнинг бош муддаоси саналади. Фирдавсий “Шоҳнома” достонида Рустамни, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ўз “Хамса”ларида Лайли ва Мажнунни, Фарҳод ва Ширинни, Дилором, Искандарни кишиларни эзгуликка ундовчи қаҳрамон сифатида кўрсатади. Шарқ ва Ғарб адабиётида ёрқин қаҳрамонлардан бири бўлиб келган Искандар образида ҳам ижодкорлар ҳақиқий инсон, адолатли ҳукмдор ҳақидаги орзу, қарашларини ифода этишган. Фирдавсий “Шоҳнома”да Искандарни адолатли подшоҳ сифатида кўрсатади. Чунки турли салтанатлар ўртасида, катта-кичик ҳукмдорлар орасида муттасил қирғинбарот урушлар юз бериб турган замонларда адолатли, одил, доно подшоҳ бўлишини орзу қилиш табиий эди. Илоҳий китобларда ҳам, шоирлар яратган достонларда ҳам, Рабғузийнинг “Қиссасул анбиё”сига ўхшаш асарларда ҳам Искандар дунёни забт этгани, ўз салтанатини ғоят адолат билан бошқаргани, мазлумларнинг дардига малҳам бўлгани, инсониятни бало-офатлардан сақлаб қолгани, душманлари, рақибларига ҳам бениҳоя бағрикенглик билан муносабатда бўлгани, аммо ана шундай зот ҳам оддий одамлар сингари касалликка чалиниб оламдан ўтгани айтилади. Ҳазрат Навоий достонида Искандар касал бўлиб қолганида онаси, аниқроғи, уни боқиб тарбиялаган аёл — Бонуга фарзандлик вазифасини муносиб адо этолмаганидан ўкиниб хат ёзгани ва вафот этганида бир қўлини тобутдан чиқариб қўйишни илтимос қилгани баён этилади. Искандар ўз ўлими билан ҳам одамларга панд бериб, ибрат бўлгани барча достонлар хотимасида келтирилади.

Искандар, Алпомиш, Рам, Манас сингари ўнлаб қаҳрамонлар ўзининг жасорати, шижоати, адолат йўлидаги кураши, ҳалоллиги билан ҳаваслантирган бўлса, нега дунёда урушлар, можаролар рўй беряпти? Молдунё, ҳокимият учун ака ва укалар, ота ва болалар ўртасида мунтазам можаро кечмоқда? Одамлар ибратли қиссалардан, достонлардан ибратли хулоса чиқармайдими?

Афсуски, ўз-ўзидан туғиладиган бундай оғриқли саволларга аниқ жавоб бериб бўлмайди. Чунки қонли можаролар, вайронагарчилик келтирувчи урушлар бошида турган кучлар ҳам, ҳаёт-мамот жангларида иштирок этган, бир-бирига қилич кўтариб, тиғ санчган кишилар ҳам афсонавий қаҳрамонлар ҳақидаги достонлардан, бир қўлини тобутдан чиқариб қўйишни васият қилган Искандар қисмати ҳикоятидан хабардор бўлишган. Аммо оддий одамларга ибрат бўлиб яшаб ўтган пайғамбарлар, шайхлар, авлиёларга ҳавас қилишган-у, амалда эса бунга эриша олмаган. Улар ўз вужудларидаги қутқуни енголмаган. Кибрга ружу қўйиб, манманлик, шуҳратпарастликка берилишган. Табиийки, буюклар яратган қаҳрамонлар китоб саҳифаларидан чиқиб, ҳеч бир султонга “Уруш қилма. Тинчликни, халқнинг осойишталигини ўйла. Бўлмаса, ўзинг ҳам, фарзандларинг ҳам ҳалок бўлади”, деб турмаган. Пайғамбарлару адабий қаҳрамонлар шундай қилиши амалда мумкин ҳам эмас. Чунки ҳар бир одам — ўзига хос бир олам, ҳар бир киши теварак-атрофидаги ҳодисалардан ўзича таъсирланади, ибрат олади, ўз истагича ҳаракат қилади. Одам табиатининг мана шу мураккаблигидан турфа-туман чигалликлар, кутилмаган зиддиятлар, можаролар келиб чиқади. Шунинг учун мамлакатлар ўртасида урушлар, ота билан бола орасида келишмовчиликлар юзага келади. Севги-муҳаббат можаролари, оила низолари ҳам бир-бирига ён беришни истамасликдан, тушунмовчиликдан пайдо бўлади.



Шўро даврида эса инсон руҳиятининг оёғи осмондан қилинди. Бойларни ёмон, камбағалларни яхши қаҳрамон сифатида кўрсатиш урфга айланди. Ваҳоланки, кишининг яхши-ёмон бўлиши фақат унинг бой ёки камбағаллигига боғлиқ эмас.

“Одамнинг табиатини бир чеккага йиғиштириб, мантиқнинг ўзи билан иш кўриб бўлмайди! Мантиқ билан ҳодисанинг сиртқи томонини кўриш мумкин, инсон табиати эса миллионлаб кўринишларга эга”, дейди руснинг улуғ адиби Фёдор Достоевский.

Инсон табиатининг миллионлаб кўринишларга эга эканлиги, яъни киши кайфияти, кечинмалари, хатти-ҳаракатининг мунтазам ўзгариб туриши камбағал-қашшоқни ҳам, бой-бадавлат кишини ҳам айнан бир қолипдаги “яхши” ёки “ёмон” қилиб кўрсатиш асоссизлигидан далолат беради.

Ҳар бир кишининг ҳаётида, ҳаракат-интилишларида, албатта, қандайдир камчиликлар бўлади. Чунки унинг ҳам нафси, вужудининг табиий эҳтиёжи, истаклари бор. Қолаверса, кишининг иши, мақсад-муддаосига эришиш фақатгина унинг ўзига боғлиқ эмас. Одамларнинг кундалик ҳаёти, қисмати кўринмас ришталар орқали бир-бирига боғлаб қўйилган. Кимнингдир сустроқ ҳаракати, бепарволиги ёки бошқа бир сабаб бировнинг неча йиллик меҳнатини, интилишларини йўққа чиқаради. Ёки одамнинг ўзи ҳам ҳиссиётларига алданиб, эҳтиросларига қул бўлиб, кутилмаганда оиласига, дўстларига хиёнат қилади.

Инсон фалсафаси шундай. Ана шундай мураккаб шароитда биз мумкин қадар фазилатларни тарбиялашимиз, фарзандларимизни ориятсизлик, ҳамиятсизлик, ғурурсизлик, ёлғон каби иллатлардан қайтаришимиз, эзгуликка, бағрикенгликка ўргатмоғимиз керак. Инсоният тажрибаси шуни кўрсатадики, улуғ мақсадлар билан яшайдиган халқгина буюк келажагини ярата олади. Бунинг учун жуда катта маърифат, улкан маънавий қудрат керак.

Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳбарлигида олиб борилаётган очиқлик ва ислоҳотлар сиёсати охирги йилларда ҳаётимиз, тасаввуримизни кескин ўзгартириб юборди. Жамиятдаги ёпиқликдан бефарқ бўлиб қолган одамларни уйғотди, истиқболга аниқ ишонч билан қарайдиган, бутунлай янги қиёфадаги Ўзбекистон вужудга келмоқда. Ана шу жараёнларда “Инсон қадри учун” тамойили марказий масалалардан бирига айланди, унинг қадр-қимматини тиклаш, руҳий ва интеллектуал соғломлигига эришиш, фарзандларнинг маънавий тарбиясига эътибор устувор вазифага айланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ялпи янгиланишлар ва туб ўзгаришларнинг асоси сифатида ислоҳотларнинг барча жабҳасида айнан инсон қадри ҳамда қадриятлари энг юқори ўринга чиқарилди. Мамлакатни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди, уни амалга ошириш бўйича қарорлар, фармонлар ва қонунлар қабул қилинди. Халқ эса бунёдкорлик кучи, яратувчанлик қобилияти ва интеллектуал салоҳияти орқали уни амалга оширади.

Тараққиётни бир тарозига қиёслайдиган бўлсак, унинг бир палласида иқтисодиёт, иккинчи палласида маънавият турибди. Биз ҳеч қачон асл қадриятларимиздан, одоб-ахлоқимиздан, тарбиямиздан воз кечмаймиз. Ахлоқсизлик, тубанлик айрим жамиятларни таназзулга, ҳалокатга етаклаётганини кўриб-билиб турибмиз. Ўзбекистон халқи икки Уйғониш даврини кўрган халқ сифатида ўз йўлида собитқадамлик билан одимлайди. Янгича тафаккур, янгиланаётган онг Ўзбекистон халқини янги Ренессансга етаклаб боришига шубҳа йўқ.

**Шуҳрат ТОШМАТОВ,**
**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 348. 30 067 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6